



Мусулмонга бирор ҳорғинликми, беморликми, ташвишми, қайғуми, озорми, ғамми етса, ҳатто тикан кирса ҳам Аллоҳ таоло булар туфайли унинг хатоларини ўчиради", дедилар

Абу Саид Ал-Худрий ва Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳумолардан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Мусулмонга бирор ҳорғинликми, беморликми, ташвишми, қайғуми, озорми, ғамми етса, ҳатто тикан кирса ҳам Аллоҳ таоло булар туфайли унинг хатоларини ўчиради", дедилар».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда мусулмонга етадиган касаллик, қайғу, ғам-ғусса, қийинчилик, хавф, очлик, ҳаттоки қўлига кириб озор берган бир тикан ҳам гуноҳларига каффорат бўлиши ва хатоларини ўчиришини баёнламоқдалар.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3701>

